

# Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниши ва улар режимининг асосий хусусиятлари

**Марузачи:**

**т.ф.н. Ф. Гаппаров**

## Дарёларнинг тўйиниши

Дарёлар оқими (сувлари) нимадан ёки қандай манбалар ҳисобига ҳосил бўлади- буни ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир тўйиниш манбаи дарё оқимининг ҳосил бўлиш жараёнларига ва айниқса унинг режимига катта таъсир этади.

Йиллик оқим миқдори, унинг йил давомида, у йилдан бу йилга ўзгаришида, шунингдек, дарё сувларининг лойқалик даражаси, температура режими, музлаш ҳодисалари ва кимёвий таркиби каби гидрологик режимнинг қатор элементлари ҳам кўп жиҳатдан тўйиниш манбаларига боғлиқ бўлади.

# Ўрта Осиё дарёларини тўйиниш манбаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ва уларни баҳолаш

- Атоқли рус иқлимшуноси А.И. Воейков 1884 йилда Ўрта Осиё барча дарёларини тоғлардаги қорларнинг эриши ҳисобига тўйинадиган дарёлар жумласига киритган эди.
- В.Л.Шульц олиб борган тадқиқот ва ҳисобларга қараганда Ўрта Осиё дарёларининг тўйинишида музлик сувларининг ҳиссаси катта эмаслиги, энг баланд тоғлардан бошланадиган Мастчоҳ, Исфара, Сўх, Вахш ва Зарафшон каби дарёларда ҳам музлик сувлари шу дарёларнинг тоғликдан чиқавериш жойларидаги йиллик оқимларнинг 25-30% дан ортиқ бўлмаган қисмини ташкил этади.
- О.П.Шчеглова томонидан олиб борилган тадқиқотлар баъзи бир дарёларда (асосан Памирдаги Селдара, Муғсув, Ванч ва Лангар каби дарёларда) музлик сувлари йиллик оқимнинг 40-50% ни ташкил этишини кўрсатади.

# Тўйиниш манбаларини миқдорий баҳолаш

Музлик сувлар миқдори:  
Мастчоҳ, Исфара, Сўх,  
Вахш ва Зарафшон  
дарёларида -25-30 % ни,  
Селдара, Муғсув, Ванч  
ва Лангар дарёларида-  
40-50 % ни, Ўрта Осиё  
дарёларининг умумий  
оқимида музлик  
сувларининг ҳиссаси 10-  
15 % дан ошмайди.

Ёмғир сувлар миқдори:  
Оҳангарон, Ғузор, Сангардак,  
Шеробод дарёларда-10-15 % ни,  
Калас, Бўрўлдай дарёларида-30  
% гача, Каспий денгизи  
ҳавзасига қарашли ва  
Туркменистондаги берк ҳавзали  
дарёларда – 15 % гача, Балхаш  
кўли ҳавзасининг жануби ва Чу-  
Талас ҳавзаси дарёларида-10 %  
гача, Сирдарё ҳавзасидаги  
дарёлар оқимининг 6% га яқин  
қисмини Амударё ҳавзасида  
дарёлар оқимининг эса атиги 3-  
3,5% қисмини ташкил этади

Қор сувлари миқдори:  
Ўрта Осиё дарёларининг  
умумий оқимида қор сувлари  
асосий қисмини ташкил  
этади.

## Дарёларни тўйиниш манбалари:

- Музликлар;
- Қор қатламлари;
- Ёмғир сувлари;
- Ер ости сувлари.

Ўрта Осиё дарёларини уларнинг тўйиниш характерларига қараб қуйидаги тўрт типга бўлиш мумкин (В.Л.Шульц таснифи бўйича):

- 1. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.
- 2. Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар.
- 3. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.
- 4. Қор ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Музлик-қор сувларидан тўйинувчи дарёлар

- Бу турдаги дарёларнинг тўйинишида баланд тоғлардаги асрий қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар энг кўп иштирок этади. Дарёларда оқим миқдори йиллар бўйича кам ўзгаради ва тўлин сув даври июл-август ойларида кузатилади (Панж, Вахш, Зарафшон, Исфара, Сўх дарёлар мисол бўлади).

Қор-музлик сувларидан тўйинувчи дарёлар

- Бу турдаги дарёлар оқими кўпроқ мавсумий қор ва камроқ миқдорда мангу қорларнинг эришидан ҳосил бўлади. Дарёларда тўлин сув даври май-июн ойларида кузатилади (Норин, Қорадарё, Пском, Чатқол, Тўполангдарё, Кофирнихон дарёлар мисол бўлади).

Қор сувларидан тўйинувчи дарёлар


- Дарёларни сув тўплаш ҳавзалари анча паст жойлашган, мавсумий қор ва қорликлар ҳисобига тўйинади. Дарёлар оқими йилларо ва йил давомида кескин ўзгариб туради, тўлин сув даври март- май ойларида кузатилади (Қашқадарё, Сангардак, Ғовасой, Ясси дарёлар мисол бўлади).

Қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёлар

- Дарёлар тўйинишида ёмғир сувлари ҳиссаси бошқа турдаги манбалардан салмоқли бўлади (Оҳангарон, Арис, Калас, Туркманистон дарёлари).

## Дарё гидрографи

Дарё гидрографи деб, дарёнинг айрим сув ўлчаш жойидаги сув сарфларининг йил давомидаги ўзгариш графигига айтилади



# Дарёларнинг тўйиниш характериға кўра қайси типға киришини кўрсатувчи мезонлар (В.Л.Шульц таснифи бўйича)

Дарёларнинг типлари	Дарёларнинг қайси типға киришини кўрсатувчи мезонлар		
	$\delta = (W_{\text{YII-IX}}) / (W_{\text{III-YI}})$	$W_{\text{YII-IX}}$ , йиллик оқимға нисбатан % ҳисобида	Сув энг кўп бўладиган ойлар
Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар	≥ 1.00	≥38	YII, YIII
Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар	0.99-0.26	40-17	Y, YI
Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар	0.27-0.18	16-12	IV, Y
Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар	0.17-0.00	13-0	III, IV, Y